

**ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА АРНАЎЛЫ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРЛИГИ**

**БЕРДАҚ АТЫНДАҒЫ  
ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Бақсы, жыраў хәм дэстан атқарыўшылық мектеплериниң  
раўажланыўының тарийхий-теориялық хәм әмелий мәселелери»  
атамасындағы республикалық илимий-әмелий конференция**

**МАТЕРИАЛЛАРЫ**

(Нөкис, 26-апрель, 2022 жыл.)

**«Бахши, жиров ва дoston ижрочилик мактабларининг  
ривожланишининг тарихий-назарий ва амалий масалалари» республика  
илмий-назарий, амалий конференция**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

(Нукус, 26-апрель, 2022 йил.)

**МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская научно-практическая, теоретическая  
конференция «Историко-теоретические и практические вопросы  
развития школ бакши, сказителя и исполнительства эпоса»**

(Нукус, 26-апрель, 2022 год.)

**НӨКИС-2022-жыл**

<b>ХАЛЫҚ САЗ ӘСБАПЛАРЫНЫҢ СӘУЛЕЛЕНИУИ.....</b>	
Мадримов Бахрам. ҰҚУВЧИ ҒІШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДА ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИК ЖАНРИНИНГ ҰРНИ.....	72
И.А.Қўшаев. ДОСТОН МУСИҚАСИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМИЙ МУАММОЛАРИ.....	77
Венера Атаханова. КИТОБИ ДАДАМ ҚҰРҚУТ” АСАРИ ВА ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИ.....	80
Рўзиев Даврон. ФОЛЬКЛОР ҚҰШИҒИ: “ОПА-ОПА АНЖИЛО”НИ ҰРГАТИШ УСУЛЛАРИ.....	84
Ражабов Тўхтаси. БУХОРО БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ҚҰШИҚЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИМКОНЯТЛАРИ.....	88
Alliyar Shimbekov, Ozoda Jalgaspaeva. QARAQALPAQ FOLKLORI XALQIMIZDIN TURMISIN HAR TAREPLETE SAWLELENDIRIWSHI JANR.....	92
Bektursinova Gilmira, Turdibaeva Miyrخان. JANA OZBEKSTANDA BAQSISHLIQ HAM DASTANSHILIQ KORKEM ONERINDE XALIQ - ARALIQ SHERIKLIK.....	95
O.Satbaeva. DASTAN ATQARIWSHILIQ SHEBERLIGIN ARTTIRIW.....	97
Жолдасбаева Тамара. ҚҰРБАНБАЙ ЖЫРАУ ЖЫРЛАҒАН «ҚЫРЫҚ-ҚЫЗ» ДӘСТАНЫ.....	99
Ayarov Salamat. GORUGLI DASTANININ QARAQALPAQSHA VERSIYASININ QALIPLESIVI NAM VARIANTLARI.....	102
Сориев Химоят. ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИНИ ҰРГАТИШ ВА ҒІШЛАРГА ҰРГАТИШ - БУТУННИНГ ДОЛЗАРЬ МАСАЛАЛАРИДАН БИРИ.....	106
Оразалеева Разия. ҚАРАҚАЛПАК ЖЫРАУ ХӘМ БАҚСЫЛАРЫНЫҢ ДӘСТАН АТҚАРЫҒУДАҒЫ КӨРКЕМЛИК ШЕБЕРЛИГИ.....	109
Maxmud Zuxurov. MUZIKANIN TARBIVALIQ AHMIYETI NAM XALQIMIZDIN FOLKLOR JANRI.....	113
<b>3-СЕКЦИЯ</b>	116
<b>МӘДЕНИЯТ ХӘМ КӨРКЕМ ӨНЕР ИЛИМИНДЕ ИЗЕРТЛЕҰДИ РАҰАЖЛАНДЫРЫҒУ ХӘМ ЖЕТИЛИСТИРИҰДИҢ АКТУАЛЬ МӘСЕЛЭЛЕРИ.....</b>	
Пирназаров Саубет, Мамутов Парахат. ЖЫРАУШЫЛЫҚ ХӘМ БИР АКТЁР ТЕАТРЫ.....	116
Asqarov Niyazbek. MUSIQA - INSONNING TURMUSH TARZI VA IJTIMOY HAYOTIDA ETADIGAN VOSITALAR.....	119
Saparbaev Baxtibay, Erniyazov Bazarbay. IJRO ETISHNI O'RGATISHNING TARBIVAVTU VA PROFESSIONAL VAZIFALARI.....	121
Исмаилов Алишер, Алдамбергенов Саламат. КӨРКЕМ ӨНЕР ДӨРЕТПЕЛЕРИНИҢ АДАМ ОРГАНИЗМИНЕ РУХЫЙ ТӘСИРИ.....	124
Юлдуз Атаджанова. РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННЫХ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МУЗЫКАЛЬНОМ МИРЕ.....	126
Даўлетназаров Айбек, Даўлетов Султан, Салимов Саламат. НАТЮРМОРТ ЖАНРЫНДА ОРЫНЛАҒАН ЖУМЫСЛАРДЫҢ ПАЙДАЛАНЫҒУ ЗАРУРЛИГИ.....	129
Г.Кенесбаева. МОЁ ЛИЧНОЕ МНЕНИЕ ОБ ИСКУССТВЕ.....	131
Akimniyozov Zakir, Toraboev Mansur. KERAMIKALIQ MATERIALLARDI ISLEP SHIGARIW NATIJELIGI.....	133
Matjanova Munajat. BASLAWISH KLASS OQIWSHILARIN ESTETIK TARBIVALAWDA MUZIKA DORETTIWSHILIGININ PEDAGOGIKALIQ WAZIYPALARI.....	135

Хоразм дostonларида мусикий омил, куй алоҳида ўрин тутди. Табиийки, дostonларнинг парда тузилиши ўзининг мураккаблиги, узун тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги билан ажралиб туради. Агар кузатадиган бўлсак, дoston йўллариининг лад асослари қонуниятлари, яъни товушқатор ва куй ҳаракатларида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, ўзбек мусикасининг бошқа соҳаларида кам учрайдиган, таркибида орттирилган секунда бўлган лад–локрий товушқатори, таянч нуктаси товушқатор ўртасида жойлашган кўша ладлар энг қадимий ладлар бўлиб, уларнинг Хоразм дoston йўлларида учраши алоҳида диққатга сазовордир.

Ўқувчи ёшлигидан бошлаб дostonларни кўпроқ эшитса, тингласа, унинг ижтимоий ҳаётда мавжуд воқеа–ҳодисалар, халқимизнинг тарихий-маънавий ҳаётига хос урф-одатлар, туркий халқларга хос бўлган шарқона характер белгилари шаклланиб боради. Уларда ақлий фазилат билан боғлиқ хусусиятлар: топқирлик, ҳозиржавоблик, бадий–эстетик идрок ҳамда дунёқарашни кенгайтиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Матёқубов Б. Хоразм дoston ижрочиларининг зарҳал саҳифалари. – Хоразм, 1999. – 51 б.
2. Матяқубов Б. Музыкальные особенности Хорезмских дастанов: Автореф. ... канд. искусствоведения. –Т., 1996.- 23 с.
3. Ожиза: шеър ва дostonлар. /нашрга тайёрловчи фил. фанл. докт., проф. С. Рўзимбоев. – Т., 2003. – 122 б.
4. Олти халфа / тўпловчи: Р.Юнусов. – Хоразм, 1994. – 39 б.

## **ДОСТОН МУСИҚАСИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМИЙ МУАММОЛАРИ**

*И.А.Кўшаев*

*БДУ мусиқа таълими кафедраси Катта ўқитувчиси*

Мамлакатимизда маънавий маданий мерос, миллий ва умуминсоний кадриятларни тикланиши, ёш авлодни аждодларимиз анъаналари, кадриятлари ва маданияти асосида тарбиялаш, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, «...ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айнаи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш» давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг учун фан, маданият, бадий таълим ва тарбияни юксалтириш, жамиятимизни маънавий-ахлоқий янгилаш, Шарқона мусикий кадриятларимизни қайта тиклаш, уларга янгича руҳ беришга эришиш керак.

Кейинги тўрт - беш йил давомида давлатимиз раҳбари ташаббуслари ва бошчилигида бахшичилик санъати фестивалининг ҳар икки йилда бир марта

ўтказилиши, бахшичилик санъати анъаналири мавжуд бўлган ҳудудларда бирнечта дoston мактабларининг ташкил этилиши, каби муҳим мусиқий тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилаётганлиги ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият ва санъатга кенг жалб этишга қаратилгандир.

Минг йилликлар давомида шаклланиб, ривожланиб бизгача етиб келган халқ оғзаки ижодининг бетакрор намунаси бўлмиш бахшичилик дoston санатини атоқли бахши-шоирларимиз ёдда сақлаб даврларнинг турли суронлари-ю тўзонларидан бутун олиб чиқишга эришганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айтганларидек, **“Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир”.** [1]

Кейиги йилларда юртимизда “Алпомиш” дostonининг минг йиллигини кенг нишонланиши, атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари бунёд этилганлиги, “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони таъсис қилинганлиги, мукамал дoston ижроларини ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш, ривожлантириш, тарғиб қилиш ва асраб-авайлаб келажак авлодларга безавол етказиш ишларининг жонланганлиги, яқинда илк марта “Ўзбекистон” санъат саройида “Сени мадҳ этаман, Ўзбекистоним!” деб номланган дoston санъти концерт дастури ташкил этилганлиги, хусусан, 2019 йил 6-10 апрель кунлари илк бор Термиз шаҳрида, 2021 йили Қорақалпоғистонда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилганлиги каби савоб ишлар амалга оширилди.

Дoston санъати атоқли бахши-шоирларимизнинг фидойи меҳнати, ижодий тафаккури билан авлоддан авлодга ўтиб, аждодларимиз маънавий эҳтиёжларини қондириб келаятган адабий – мусиқий санъат асарларидир.

Шунинг учун ҳам ниҳоятда бой ва ҳамиша навқирон дoston санъати беқиёс маънавий хазина бўлиб, уларнинг энг ёрқин намуналарини ўқувчи ёшлар онгига сингдириш ўз халқига, ватанига, миллий мусиқий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бахши ва дoston сўзлари моҳиятан бир-бири билан боғлиқ сўзлар бўлиб, улар мазмунан ҳам бир-бирини тўлдириб туради. Бахши, бақси туркий сўз бўлиб, бахш этувчи, бағишловчи, шоир, устоз, мураббий, муаллим маърифатчи маъноларини англатади. Шунингдек, халқ орасида бахши сўзини шоир, созчи, халфа, жиров, каби атамалар билан аташлари ҳам кузатилади.

Дoston атамаси кенг қамравли форсий сўз бўлиб, ҳаққоний ва эртақнамо воқеалар, қисса, ривоят ва афсона маъноларидаги муайян мазмунли тизимга эга, назм ва насрдан ташкил топган, шеърлари чолғу жўрлигида нома шаклида куйланадиган, катта ҳажмли муаллифи номаълум асарларни англатади. Бахши ва дoston атамаси ўхшаш маъноларни англатиб, дostonлар куйлаб

халқ хурматини қозонган бахши ҳамда бахшилар ижоди ва ижроси орқали халқ калбига етиб борган дoston тарзида устувор даражани эгаллаган.

Дostonлар манбаларда кўрсатилганидек, – халқнинг тарихи, эл-улус ўтмишининг баёни, орзу-армонлар кечмиши, бир сўз билан айтганда халқ тарихининг қўшиғи, тақдирининг оҳанги, қисматининг мунгли мусикаси, келажакнинг шодон яллasi. Бахшилар эса ана шу халқ тарихининг куйчиси, тенгсиз хофиси, тўғрироғи, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги олтин занжир, тарихни тарихга оғзаки кўчирувчи, тарихни тарихга муҳрловчи, тарихни тарихда қолдирувчи моҳир ижодкор ва ижрочиларидир.

Оммавий ахборот ва техника воситалари, кино ва театр томошалари бўлмаган узок ўтмишда аждодларимизнинг руҳиятига зўр туйғули таъсир кўрсатиб, уларнинг бадий тарбиясида етакчи воситалардан бири бўлган дostonлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва бадий таъсир кучини сақлаб келмокда. Ҳозир Республикаимизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Намангон вилоятларида ва Қорақалпоғистон автаном республикасида халқ дostonларини зўр маҳорат билан ижро этиб келаятган бир қанча таниқли бахшилар, жировлар ва халфалар фаолият кўрсатмокдалар.

Дostonларни китобдан ҳам ўқиш мумкин. Аммо уларни бахши ижросидаги нома оханглари билан эшитиш мутлақо бошқача таъсир этади. Дostonларни тараккиёт йўли ҳамда назарий асосларини ўрганиш, асосида узлуксиз мусика таълими жараёнига жалб этиш борасида республикаимизда айрим ижобий ҳаракат ва тажрибалар мавжудлиги кўринмокда.

Аммо ҳозирги кунда дoston номаларининг ёрқин намуналарини таълим назарияси (дидактика) тамойиллари асосида танлаш, таснифлаш, мусиқий назарий, амалий ва услулий таҳлил этиш, улардан унумли фойдаланишнинг педагогик, психологик ва методик имкониятларини тавсифлаш, бўлажак мусика муаллимлари ва мактаб ўқувчиларини дoston санъати намуналари билан ошно қилиш, уни тушиниш ва ундан эстетик баҳра олишга эҳтиёж сезиш руҳида тарбиялаш, дoston қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш, кайфиятини, ҳаракатларини, ички кечинмаларини ёритиш, шунингдек сўз, шеър, қўшиқ ва соз санъатининг мужассамлашувидан вужудга келадиган шаклан ва мазмунан яхлит бадий образларни ифодалаш орқали дoston-бахши-тингловчи алоқасини мустаҳкамлаш, дoston номаларида ўз аксини топган ёрқин бадий образлар туйғули таъсирини сезишга одатлантириш, соҳадаги устоз-шогирд илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, таниқли бахшилар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ўқув фильмлари яратиш омилларидан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда мусиқий педагогик таълим-тарбиянинг долзарб муаммолари қаторида турибти.

Дostonлар филологик жиҳатдан нисбатан кўпроқ ўрганилган. Уларнинг мусиқий асосларини ўрганиш борасида нисбатан оз бўлсада, бирмунча илмий изланиш ишлари бўлган. И.Акбаров, Ю.Кон, А.Жабборов, Ф.Кароматов, Б.Матёкубов, М.Юсупов, С.Турсунов Қорақалпоғистонда

Қ.Айимбетов, О.Ҳалимов, А.Хайратдинов, К.Олимбоева,  
М.Жиемуратовларнинг тадқиқотларини мисол қлиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда Олий мусикий педагогик таълим жараёнига улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан дoston ва катта ашула санъати киритилмаган. Биз шу муаммони қисман бўлсада ечимини топиш мақсадида талабаларга “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” дostonидан “Оғажон қайга борурсан”, “Душдимда галдим”, “Болама ўхшайди овозинг сени”, “Тўрўғли” дostonидан “Қадрин на билсин”, “Алпомиш” дostonидан “Бобожон” каби бирнечта дoston номаларини ўргатиб, дostonлар ҳақида маълумотлар бераяпмиз. Аммо масалани ечиш учун бу мумтоз касбий мусиқа жанрларини узлуксиз мусиқа таълимининг турли босқичлари дастур ва дарсликларига киритиш зарур.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Ўзбекистон овози 2019-йил, 8- апрел. № 28-29 ( 32. 519).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 14 майдаги қарори.

4. Эшқобил Шукур. “Халқ ва тарих тили” . Ўзбекистон овози 2019-йил, 8-апрель. № 28-29 (32. 519).

5. Кароматов (Кароматли) Ф.М. “Ўзбекская домбровая музыка” Т., 1962 г.

6. Турдиев Т. Шажара. – Тошкент: Нур, 1991. – 64 б.

7. Б.Матёқубов. Дoston наволари. Тошкент, 2009.

8. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи ISBN 978-9943-4268-3-2 “Фан ва технология” 2014.

### **“КИТОБИ ДАДАМ ҚЎРҚУТ” АСАРИ ВА ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИ**

*Венера Атаханова –  
УрДУ, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси  
катта ўқитувчиси, PhD.*